



ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ЯШАЁТГАН МАКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС МАДАНИЯТИ

Сулайманов Холбек Сафарович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Амалий этнология лабораторияси катта илмий ходими,
мустақил изланувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17263352>

Тошкент воҳасининг иқлими, серсув дарёлари, унумдор тупроғи ва гўзал табиати қадимдан одамларнинг ўзига жалб қилиб, яшаб қолишига сабаб бўлади. Бундан ташқари Буюк ипак йўлининг мазкур ҳудуддан ўтиши турфа маданият ўчоғларни яралишига асосий омил бўлди.

Воҳанинг асосий аҳолиси ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақолпоқ ва бошқа миллат вакилларида иборат бўлиб, хўжалик ва урф-одат анъаналарида ўзаро яқинлик ва ўхшашликни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб энг кўп жойлашган миллат вакиллари бўлмиш қozoқлар автохтон халқ ҳисобланиб, ўзбеклар билан қадимдан бирга яшаб ўтроқ ва кўчманчи маданиятини қоришуви орқали бир яхлитликни мужассам этган.

Ҳозирда Тошкент воҳасида яшовчи қozoқларнинг қишлоқ хўжалиги, саноат, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётганлигини кўриш мумкин. Тошкент вилоятининг тоғли туманларида яшовчи қozoқлар бугунги кунда ҳам уй шароитида чорвачилик, хусусан, йилқичилик билан шуғулланадилар.

Уй-жойлари замонвий кўринишда бўлиб, ўзбек уйларидан фарқли ўларoқ, аксарият қozoқ уйларида 30-40 кишига мўлжалланган қариндошлар зиёфати учун мўлжалланган катта заллар бўлади.

Миллий таомлари асосини қўй гўшти, қази-қарта, қимиз каби юқори калорияли масаллиқлар ташкил этади. Ёзда муздек айронни кўп ичишади. Миллий таомлари бешбармоқ, қовурдоқ, шўрва, қази ва ҳоказолар ташкил этади[1].

Аёлларнинг бош кийими никоҳ ҳолатини тўғридан-тўғри акс эттирган. Турмушга чиқмаган қизлар дўппи кийиб юришган, тўй маросими учун келинлар баландлиги 70 сантиметргача бўлган “саукеле” кийишган, онага айланган аёллар эса оқ матодан тикилган бош кийимини кийган[2].

Қozoқларнинг мусиқа асбоблари турли амалий (*даволашда*) ва диний мақсадларда (*бахши ва шомонлар томонидан*) ҳамда эстетик мақсадларда, ўйин-кулгу, ҳис-туйғуларни ифодалаш ва бошқалар учун хизмат қилган. Баъзи мусиқа асбоблари сеҳрли хусусиятга эга деб қаралади. Бундан





ташқари қозоқларда дўмбира, жетиген каби қадимий мусиқа асбоблари машҳур ҳисобланади.


Қирғизлар Марказий Осиёнинг қадимги халқларидан бири бўлиб, асрлар давомида шу минтақадаги бошқа халқлар билан биргаликда яшаб келишган.

Тошкент воҳасидаги қирғизлар асосан қишлоқ жойларида истиқомат қилишади. Асосий машғулоти чорвалик ва деҳқончилик ҳисобланади. Хўжаликда уйда турли маҳсулотлар тайёрлаш кенг тарқалган бўлиб улар асосан чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш билан изоҳланган. Қуй жунидан қоқма ва холи гиламлар тўқилган, ҳамда кигиз босилган. Эчки жуни арқонга яраса, туя жунидан кийим-кечак мато тайёрланган. Қўй терисидан пўстин, телпаклар тикилган. Эркаклар ва аёллар кийимларининг бичими бир хиллиги кузатилади. Қирғизларнинг ўзига хос кийимлари устки кигиздан тайёрланган *кебенек* (ҳозирда - кементай), оқ кигиз этик, эчки жунидан тайёрланган “оқ кигиз қалпоқ”лардан иборат. Тошкент воҳасида олиб борилган дала тадқиқотларида тўпланган маълумотларга кўра қирғиз аёллари урф, анъаналарни ҳозирги кунда ҳам давом эттириб келмоқдалар[3].

Қорақалпоқлар қадимда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган ерларда деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланиб келганлар. Деҳқончиликда асосан ғаллачилик ривожланган. Дарёлар ва кўллар атрофидаги ерларга буғдой, арпа ва тарик, шоли, жўхори, зиғир, кунжут, беда, полиз экинлари экилган.

Қорақалпоқларнинг дурадгори, тақачиси, аравасози, эгарчиси, этикдўзи, заргари бўлиб, улар орасида ёғочдан турли буюмлар тайёрлайдиган ёғочсоз усталар, чиғир, ўтов усталари ҳам кўп бўлган. Қорақалпоқлар тўқувчилик, гиламдўзлик, наMAT-кигиз ясаш ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Бўйрачилик маҳсулотлари ҳам бозорга олиб чиқиб сотилган.

Қорақалпоқларнинг миллий кийимлари учун зарур газлама, матоларни тўқувчи усталар етказиб берган. Бўз тўн тикиш учун ишлатиладиган йўл-йўл алаша, аёллар кўйлаклари учун ишлатиладиган катак-катак шатираш, ингичка туя жунидан мовут (шол), қоп ва ҳар хил халта тикишда фойдаланадиган жун газлама тайёрланган. Пўстин, қалпоқ, поябзалбоп тери (асосан қўй териси ишланган) шулар жумласидандир. Эркакларининг кийими Хоразм эркакларникига ўхшаб кетади. Эркаклар кўйлак-иштон, дамбал кийганлар. Иштоннинг пойчалари этик ичига тиқиб





келинган. Совуқ кунларда юпқа иштон устидан қалин чит ёки жун газламадан тикилган иссиқ сим (иштон) кийиб юришган. Кейинчалик нўғой ёқали кўйлак кийишган. Қорақалпоқларда чопон кенг тарқалган. Ҳар хил чопон тикилган, қавилган чопон ҳам ишлатилган. Жун, газлама, мовутдан шекпен (чакман) тайёрланган. Байрам кунлари ялтироқ газламадан тикилган чопон кийилган. Чопон устидан белбоғ, баъзан кайис (камар) боғлаб юрилган. Қишда қорақалпоқлар пўстин ва қалпоқ кийишни ёқтиришади. Қалпоқни қалпоқ такия ҳам дейишган. Қалпоқ катта ва кенг қилиб тикилган. Оёқларига чарм поябзал, маҳси, калиш, этик, қишда жун пайпоқ кийишган. Ёшлар билан катта ёшдаги эркакларнинг кийими деярли фарқ қилмаган. Катта ёшдагилар кийимлари сал кенгроқ, узунроқ тикилган. Қорақалпоқ аёлларининг кийими кўйлак, иштон (лозим), иш кийим, камзул, енгсиз чопондан иборат бўлган. Бошларига дўппи кийишган, рўмол ўрашган, яна жегде ёпиб юришган. Байрам кўйлаклари Бухородан олиб келинган ола шойидан тикилган. Кўйлакнинг тугма тикиладиган икки томонида ёқасидан белигача, енглари, этагига хилма-хил рангли ипдан чиллак шаклида кенг кашта тикилган. Бундай кўйлаklar ҳалқали кўйлак дейилган. Азадор аёллар гулсиз кўк кўйлак кийишган. Қорақалпоқ аёлларининг бош кийимлари бошқа халқларникидан яққол ажралиб туради. Айниқса, кимишек ва савкали деб аталадиган бош кийимлари жуда қизиқарлидир. Қиз яшайдиган хонадоннинг ҳаммасида албатта кимишек тикилган. Уни қизнинг ўзи тиккан ва овулга куёв келган куни кийган. Кимишекни куёв овулидан келган аёллардан бири қизнинг бўйнига солиб қўяди. Чунки кимишекда бошда кийиш учун махсус тешиги бор. Кимишекнинг олд тарафи қизил мовутдан учбурчак шаклда, орқаси куйрикшаси Бухоро шойисидан попуқдор қилиб, ҳар хил рангдаги жун ипдан тўқилади. Ёнларида қулоқчинлари бор. Олд тарафида пешонага тушиб турадиган жига (пешона) бўлиб, орқасидан узун гулдор “кокил” осилиб туради. Бошга яна “жегде” деб юритиладиган чопон ёпиниб юрадилар. Қорақалпоқ кийимларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири жангсидир. Бундай енглар кўпинча қизил гулдор матодан алоҳида махсус тайёрланади. Сўнгра тўн ёки чопонга тикилади[4].

Тошкент вилоятида яшовчи тожиклар моддий маъданияти бой, ўзига хос ва ранг-барангдир. Бу маъданият тарихан шаклланган халқнинг мураккаб ҳаётини ўзида мужассамлаган ва хусусиятлари ҳозирга қадар сақланиб келинмоқда. Тожиклар нонни тандирларда ёпиб тайёрлашади. Нонлар турли катталиқ ва қалинликда бўлган. Ноннинг фатир, гирдача,





кулча, қатлама фатир каби турлари ҳам бўлган. Тожиқларда хамирдан нондан ташқари; *оши бурда, оши орд, самбўса, тушбера (чучвара), манту* тайёрланган. Сут-ёғ махсулотлари тоғли аҳоли томонидан ёзда яйловларда бўлган пайтида захираги тайёрланган. Зираворлар сифатида қизил калампир, зира, кашничлар ишлатилган. Дуккаклилардан суюқ таомлар, бўтқалар тайёрлашда фойдаланишган.

Аёллар кўйлаклари ранг-баранг бўлиб, уларни фабрикада тайёрланган шойи, пахтадан газламалардан тикишган. Қизлар, ёш жувонлар кўйлаклари ёқалари, енглари кашталар билан безатилган. Бош рўмолларини одатда оқ донадан қилишган. Кейинги пайтда аёлларда дўппилар- токи удум бўла бошлайди. Анъанавий оёқ кийимлари махси-ковуш бўлган. Совуқ мавсумда жун чуроб, пайпоқ кийилиб уни маҳаллий аёллар турли рангдаги жун иплардан тўқишган. Аёллар турли зеб-зийнатлар тақишган[5].

Тошкент воҳасида яшовчи туркманлар асосан қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритади. Асосан буғдой, жўхори, арпа, пахта, кунжут, шоли, беда, қовун, тарвуз, қовоқ каби экинларни етиштиришган.


Шунингдек темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, дурадгорлик барча туркман оилаларида кенг тарқалган эъзозли ҳунарлардан ҳисобланган.

Туркман эркакларнинг миллий кийимлари балак (*иштон*), енги узун кўйлак, қавилган чопондан иборат бўлиб, бошларига қерлин ёки кубанка, оёқларига чориқ киядилар. Аёллари балак (*узун иштон*), кўйлак, енгсиз кемзор, олди гулдор қавилган чабит (*тўн*), бошларига бўрик, боғмач, урамак хасаба, оёқларига ковуш киядилар.

Ҳозирги кунда эркакларнинг усти-бошида қадимий миллий урф-одатлар ва анъаналари таъсири деярли сезилмасада, хотин-қизларнинг миллий кийимларида миллийлик сақланиб қолган. Бундан ташқари, уларнинг кийимларида қўни-қўшничилик қилиб келган халқлар либосларининг таъсири сезилиб туради.

Туркман халқининг миллий бойлиги саналмиш *туркман гиламлари* ўзида қадимий анъаналарни сақлаб қолганлиги билан ўзгачадир. Туркман гиламлари Марказий Осиёдан ташқари, барча ҳудудларда кўчманчи маданиятнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Гиламдўзлик буюмларида самовий, мифологик ва этник маркерлар ўрин олган. Гиламларни тўқишда қўй, туя ва эчки жунлари, шунингдек пахта ва ипак ҳам ишлатилган.

Туркманларнинг миллий таомлари ўзбеклар ва қорақалпоқларникига ўхшаб кетади. Улар асосан сут ва сут махсулотларини кўп қилишади.





Туркман чурек нони айниқса машҳурдир. Вақти тиғиз кезларида чучук хамирдан патир нон ёпишади. Қўй ёғи ёки сариқ ёғли оби нон ҳам қилинади. Гутап (*қўкатли пирожки*), гўштли нон кўп пиширилади.

Туркманларнинг сеvimли таоми бурек (*гўштли пирог*) билан ун ошидир. Туркманлар сугир, туя ва қўй сутини ишлатишади. Улардан ёғ, қатиқ, сузма, гурт (*қурт*), пейнир (пишлоқ) тайёрлашади. Туя сутидан чал (*ичимлик*) тайёрлаш анъанага айланган[6].

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш жоизки Ўзбекистонда яшаётган Марказий Осиё халқларининг маданиятида умумбирликни кузатиш мумкин, тарихан аجدодлари бир томирга бориб тақалган, тили, дини ва урф-одатларида ўзаро яқинлик ва бир-бирини тўлдириш орқали қадим цивилизацияларни яратган халқлардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Doniyorov.A, Ashirov.A, Bo'riyev.O. Markaziy Osiyo xalqlari etnologiyasi T.2020 .148-b.
- 2.Андреева Р.П. Саукеле // Энциклопедия моды. –СПб:Литера, 1997.-С.322
2024 йил Тошкент вилояти Бўка туманида олиб борилган дала тадқиқот материаллари.
4. Doniyorov.A, Ashirov.A, Bo'riyev.O. Markaziy Osiyo xalqlari etnologiyasi T.2020 .99-b.
5. 2025 йил Тошкент вилоятида олиб борилган дала тадқиқот метериаллари.
6. Doniyorov.A, Ashirov.A, Bo'riyev.O. Markaziy Osiyo xalqlari etnologiyasi T.2020 .124-135-betlar.

